

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА “ОНЛАЙН-МИКРОҚАРЗ” АЖРАТИШ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

АТ “Халқ банки” (бундан буён шартнома матнида “Банк” деб юритилади) томонидан иш ҳақи лойиҳаси доирасида эмиссия қилинган банк картаси эгаси бўлган жисмоний шахсларга (бундан буён шартнома матнида “Мижоз” деб юритилади) банк мобил иловаси орқали масофадан туриб микроқарз ажратиш тўғрисидаги оммавий электрон оферта шартномасини (бундан буён шартнома матнида “Шартнома” деб юритилади) тузишни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 369-моддасига мувофиқ таклиф қилади.

Мижоз ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириши, мижознинг мазкур шартномада кўрсатилган тартибда ва ҳажмда банк билан шартномани тузишга розилигини билдиради.

Мазкур оферта “Халқ банки” мобил иловасида жойлаштирилади.

I. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.1. Онлайн-микроқарз (кейинги ўринларда микроқарз) – Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунига асосан муддатлилик, тўловлилик, қайтаришлик ва таъминланганлик шартлари асосида, миллий валютада, Банк тизими иш ҳақи лойиҳаси доирасида эмиссия қилинган банк карта эгаси бўлган жисмоний шахсларга “Халқ банки” мобил иловаси орқали, ушбу шартномада белгиланган шартлар асосида кредит ажратилиши тушунилади;

1.2. Банк картаси – Банк томонидан иш ҳақи дастури доирасида жисмоний шахслар учун эмиссия қилинган пластик карта;

1.3. Мижоз – Банк тизимида иш ҳақи доирасида очилган банк картасига эга бўлган ва “Халқ банки” мобил иловаси орқали “Онлайн-микроқарз” хизматидан фойдаланишга буюртма берган жисмоний шахс;

1.4. “Халқ банки” мобил иловаси (кейинги ўринларда мобил илова) – Банк томонидан кўрсатиладиган маълум хизматлардан масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи, мобил қурилмаларда (смартфон, планшет ва ҳоказо) ишлаш учун мослашган дастурий таъминот;

1.5. Оферта – Мобил илова орқали банк мижозларига эълон қилинган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган банк ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф;

1.6. Акцепт – Мижознинг микроқарз бўйича банк офертасини қабул қилинганлиги тўғрисидаги жавоби;

1.7. Ссуда ҳисобварағи – Мижозга ажратилган микроқарз акс эттирилувчи Банк томонидан ҳисобварақлар режасига мувофиқ очиладиган алоҳида шахсий ҳисобварақ;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Банк мижозга, ушбу шартномада назарда тутилган шартларда микроқарз ажратади, мижоз эса олинган микроқарз маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва микроқарздан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ЖОЙИ

3.1. Мижоз томонидан шартномани акцептлаш “Халқ банки” мобил иловаси орқали масофадан туриб микроқарз олиш имконини берувчи амалиётларни бажариш орқали амалга оширилади.

3.2. Мижоз томонидан шартнома акцептланган ва мижознинг банк картасига буюртма берилган микроқарз миқдорининг кирим қилинган пайтдан бошлаб банк ва мижоз ўртасидаги шартнома тузилган ҳисобланади.

3.3. Шартнома мижозга микроқарз ажратган банк филиали жойлашган ҳудудда тузилган ҳисобланади.

IV. МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

4.1. Микроқарз шартнома шартларига биноан, мижоз томонидан мобил илова орқали электрон равишда расмийлаштирилган буюртманомада кўрсатилган миқдорда ва муддатга, мобил иловада мижоз буюртманомасига асосан ажратилади.

4.2. Банк томонидан мижозга ажратилган микроқарзнинг ҳисоби мижозга очилган ссуда ҳисобварағида юритилади.

4.3. Микроқарз, мижоз шартномани акцептлаган вақтдан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, банк томонидан мижознинг пластик картасига нақдсиз пул ўтказиш амалиёти орқали ажратилади.

4.4. Микроқарз қуйидаги шартларда ажратилади:

- Минимал миқдори 1млн.сўм, максимал миқдори эса 100 млн.сўмдан ошмаслиги лозим;
- Микроқарз муддати 48 ойгача;
- Микроқарздан фойдаланганлик учун фоиз тўлови йиллик 12 ой учун – 25 (йигирма беш), 24 ой учун – 26 (йигирма олти), 36 ой учун – 28 (йигирма саккиз), 48 ой учун – 30 (ўттиз) фоизни ташкил этади.
- Ажратилаётган микроқарз таъминоти сифатида мижознинг ҳар ойда оладиган иш ҳақи ва суғурта полиси ҳисобланади.

4.5. Мижоз микроқарз шартлари билан www.xb.uz сайтида батафсил танишиб олиши мумкин.

4.6. Мобил иловада рўйхатдан ўтган янги фойдаланувчи ва мавжуд akkaунтга бошқа мобил қурилмадан кирган мижозга биринчи онлайн микроқарз ажратилгандан кейин пул маблағларидан 48 соат давомида P2P амалиётларини, жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва электрон ҳамёнларига ўтказмаларни, P2P ўтказмалар орқали тўлдириш имкониятини яратган мобил алоқа операторлар орқали телефон рақам ҳисобини тўлдириш, чет эл тўловлари ёки ўтказмалари ҳамда онлайн валюта айирбошлаш амалиётларидан фойдаланиш учун мижоз қўшимча тасдиқдан ўтиши лозим.

V. МИКРОҚАРЗ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

5.1. Микроқарз тўловлари шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган микроқарз тўлов қайтариш жадвалида белгиланган санада ва миқдорда банк картаси ҳисобварағида мавжуд маблағлар ҳисобидан мемориал ордер орқали банк томонидан микроқарз ва микроқарз бўйича ҳисобланган фоиз, неустойка ва ҳоказо тўловлар ҳисоби юритилаётган ҳисобварақларга ўтказиб борилади.

5.2. Микроқарз бўйича фоизлар йилига 365 кун ва ҳар ойнинг мавжуд бўлган кунлар сони бўйича, кредит тўлиқ сўндирилгунга қадар ҳисобланади.

5.3. Тўлов жадвали мижознинг буюртманомаси асосида мобил иловага дастурланган скоринг ёрдамида инсон омили иштирокисиз автоматик тарзда шаклланади ҳамда мижознинг фойдаланаётган мобил илова интерфейсида тўлов жадвали кўринганидан сўнг “кредитни расмийлаштириш” тугмаси босилгач, тўлов жадвали банк ва мижоз ўртасида келишилган ҳисобланади.

5.4. Мижознинг банк картасида тўлов жадвали бўйича тўловни тўлиқ ўтказиш учун етарли маблағ бўлмаса, банк картасида мавжуд барча маблағлар микроқарзни қоплашга тўлиқ ўтказилиб, банк картасининг чиқим қисмига таъқиқ қўйилади. Мижознинг банк картаси ҳисобварағига, тўлов жадвали бўйича қарздорлик тўлиқ қайтарилмагунча, келиб тушаётган барча маблағлар микроқарз қарздорлигини қоплашга йўналтирилиб борилади.

5.5. Мижоз томонидан тўланган тўловлар қуйидаги тартибда микроқарз қарздорлигини қоплашга йўналтирилади:

- а) кредит шартномасига асосан ҳисобланган неустойкалар;
- б) тўлов муддати ўтган фоизлар;
- в) тўлов муддати ўтган қарзлар;
- г) тўлов муддати келган фоизлар;
- д) тўлов муддати келган асосий қарз.

5.6. Банк карта ҳисобварағида микроқарзни тўлаш учун маблағлар етарли бўлмаганида, мижоз қуйидаги бошқа усуллардан фойдаланиб ҳам микроқарзни қоплаши мумкин:

- банк кассасига нақд пул қилиш орқали;
- омонат ҳисобварақларидан маблағлар ўтказиш йўли билан;
- бошқа банк карталаридан маблағлар ўтказиш йўли билан;
- бошқа қонунчиликда назарда тутилган тўлов шакллари билан.

5.7. Агар микроқарз тўловининг санаси банк иш куни ҳисобланмаса, тўлов кейинги банк иш кунига кўчирилади.

5.8. Микр оқарз қарздорлиги суд қарорларини ижро қилиш тартибда ундирилган тақдирда, банкнинг транзит ҳисобварақларига келиб тушган маблағлар тегишли суд қарори билан белгилаб берилган суммаларни қоплашга йўналтирилади.

5.9. Мижоз томонидан тўлов жадвали бўйича тўловларни қайтариш сурункасига икки маротаба ёки бир календарь йили давомида уч маротаба бузилган тақдирда банк микроқарз қарздорлигини муддатдан олдин ундириш чоралари кўради.

VI. ОНЛАЙН-МИКРОҚАРЗ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

6.1. Ушбу шартнома асосида ажратиладиган Онлайн-микроқарз суғурта полиси билан таъминланади.*

Мобил иловада Мижоз ушбу шартномани акцептлаганидан сўнг, онлайн микроқарз қайтмаслик хатарини суғурта қилиш шартномаси оферта кўринишида акцептлаш ва суғурта мукофотини тўлаш учун мижозга таклиф қилинади.

6.2. Кредит хатарини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти Қарз олувчи томонидан тўланади.

6.3. Мижоз кредит хатарини суғурта қилиш шартномасини акцептламаслиги ва суғурта мукофотини тўламаслиги Банк томонидан микроқарз ажратишни рад қилиш учун асос бўлади.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.1.1. Шартномага мувофиқ мажбуриятларнинг мижоз томонидан бажарилишини таъминлаш шarti асосида ёки шундай шартсиз микромолиявий хизматлар кўрсатиш;

7.1.2. Буюртма берувчига микромолиявий хизматлар кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш;

7.1.3. Микроқарз ажратиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни буюртма берувчидан сўраб олиш;

7.1.4. Тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, мажбуриятларнинг қарз олувчи томонидан муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш.

7.1.5. Тўлов жадвали бўйича тўлов ва фоизлар муддати ўтганида мижознинг банк карта ҳисобварағининг чиқим қисмига таъқиқ қўйиш;

7.1.6. Мижоз томонидан ушбу шартнома шартларининг бажарилиши ва кредит шартномаси шартлари тўғрисидаги маълумотларни “Кредит ахбороти таҳлилий маркази” кредит бюроси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит Ахбороти Давлат Реестрига юбориш;

**Иш ҳақи лойиҳаси доирасида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар ходимлари учун суғурта полисисиз ажратилади.*

7.1.7. Банк ажратилган кредитнинг муддати келган қисмини, шу жумладан фоиз ва неустойкаларни мижознинг банкларда очилган барча пластик карта ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ечиб олади.

Бундай банк операцияси мижозни олдиндан огоҳлантиришсиз, тўлов муддати келган санада ва ундан кейинги ҳар қандай санада амалга оширилиши мумкин ҳамда амалга оширилган бу турдаги банк операцияси ҳақида мижозга алоҳида хабарнома юборилмайди.

7.1.8. Мазкур шартноманинг 4.6–бандида келтирилган ҳолларда мижоз томонидан тасдиқлаш жараёни 48 соат давомида амалга оширилмаса ва/ёки микроқарз олиш тўғрисидаги ариза мижоз томонидан фирибгарлар таъсирида берилганлиги аниқланса микромолиявий хизматлар кўрсатишни рад этиш;

7.1.9. Банк қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.2.1. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари билан танишиб чиқиш;

7.2.2. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан микромолиявий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

7.2.3. Шартнома шартларининг шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш;

7.2.4. Уч банк иш кунидан олдин банкни огоҳлантирган ҳолда, кредитдан фойдаланишни рад этиши мумкин.

7.2.5. Микроқарзни муддатидан олдин қайтириш;

7.2.6. Мижоз қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.3. Банкнинг мажбуриятлари:

7.3.1. Мижознинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан микромолиявий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида мижозга ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни маълум қилиши;

7.3.2. Шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда микромолиявий хизматлар кўрсатиши;

7.3.3. Банк зиммасига қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

7.4. Мижознинг мажбуриятлари:

7.4.1. Микромолиявий хизматдан фойдаланишдан олдин ушбу оферта шартномаси шартларини билан танишиб чиқиш;

7.4.2. Мижоз, микроқарз ажратилишида ва бошқа ҳолларда мобил илова техник носозлиги сабабли мижознинг банк картаси ёки бошқа ҳисобрақамларига ортикча ажратилган маблағлар тўғрисида банкни зудлик билан огоҳлантириши ва ушбу маблағларни банкка қайтариши;

7.4.3. Мажбуриятларни шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажариш, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда тўлаб бориш;

7.4.4. Микроқарз ажратиш учун банкка скоринг таҳлили асосида аниқланган иш ҳақини (ва унга тенглаштирилган бошқа даромадлари) банк картасига тушишини таъминлаш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа даромадларини бошқача тарзда олмаслик);

7.4.5. SMS хабар юбориш учун тақдим этилган мобил телефон рақами ўзгарганда, ушбу ўзгариш ҳақида банкни хабардор қилиш ва янги мобил телефон рақамни банкка тақдим этиш;

7.4.6. Кўшимча тасдиқдан ўтиш учун банкка қўнғироқ қилиш;

7.4.7. Яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исмидаги ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган бошқа ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида банкни 5 (беш) банк куни мобайнида хабардор қилиш;

7.4.8. Мижоз мазкур офертага мувофиқ банк томонидан ажратилган микроқарзни тўлов графикада белгиланган миқдордан ортиқча тўлаган ҳолларда, ортиқча маблағларни микроқарзнинг асосий қарзини сўндиришга йўналтириш учун банкни огоҳлантириши лозим.

7.4.9. Мижоз қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши мазкур шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

8.2. Микроқарз бўйича асосий қарзни кайтариш муддати кечиктирилганда, муддати ўтган кредит қарздорлиги миқдорида қарз олувчи банкка бутун кечиктирилган давр учун шартномада белгиланган фоизнинг 1,5 баравари миқдорида фоиз тўлайди.

8.3. Микроқарз бўйича ҳисобланган фоизларни белгиланган муддатларда тўламаганлиги учун қарз олувчи банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўловнинг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўловнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.4. Мазкур шартнома шартларининг лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида неустойкаларнинг ундирилиши (тўланиши) томонларни ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Томонлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларни музокаралар йўли билан ҳал қиладилар.

9.2. Агарда кўрсатиб ўтилган келишмовчилик ва низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, Банкнинг кредит ажратган филиали жойлашган ҳудуддаги фуқаролик судида ҳал қилинади.

X. ФОРС-МАЖОР

10.1. Тарафлар ушбу шартнома имзолангандан кейин мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, тарафлар олдиндан кўра олишмаган, тегишли чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулодда тусдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган, энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар) ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

10.2. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланадиган Тараф бошқа Тарафни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда зудлик билан хабардор қилиши шарт ва шу билан бирга исталган тарафнинг талабига кўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли ташкилот томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак.

XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

11.1. Ушбу шартнома мижоз томонидан “Халқ банки” иловаси орқали тасдиқланган кунидан бошлаб тузилган ҳисобланади ва юридик кучга киради.

11.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

11.3. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига мувофиқ ёзма равишда расмийлаштирилади.

11.4. Мижоз банкнинг ёзма розилигисиз мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга ўтказишга ҳақли эмас.

11.5. Шартноманинг бекор қилиниши томонларни шартнома кучида бўлган даврда вужудга келган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

ХП. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

12.2. Ҳеч бир тараф ушбу шартноманинг қоғоз кўринишини сақлашга ва имзолашга мажбур эмас, Банк томонидан “Халқ банки” мобил иловасига жойлаштирилган ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ҳаракатлар миждоз томонидан бажарилган пайтдаги таҳрири қонуний кучга эга бўлади.

ХШ. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ

<p style="text-align: center;">Банк</p> <p>АТ «Халқ банки» Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Қатортол кўчаси, 46-уй. Тел: (71) 210-20-02 е-mail: info@xb.uz Х/р: _____ МФО: 01125 СТИР: 207215726</p>	
--	--